

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва “Respublika teleradiomarkazi”
давлат муассасаси ўртасида 2022 йил I чорак учун тузилган

№ 3-сонли Ш А Р Т Н О М А

Тошкент шаҳар

“ 05 ” 01 2022 йил

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси номидан (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб аталади) Низомга асосан А.Хаджаев бир томондан ва “Respublika teleradiomarkazi” давлат муассасаси (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб аталади) номидан Низомга асосан бош директор Ш. Расулов иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. Шартнома предмети.

“Ижрочи” “Буюртмачи”нинг Телевидение ва радиоэшиттириш Архив фондини сифатли бойитиш, телерадиомаҳсулотларни тегишли жойларга ўрнатилган тартибда тақдим этишда техник воситалар билан хизмат кўрсатишни ва бошқа хизматлар билан таъминлашни, “Буюртмачи” эса кўрсатилган хизматларни қабул қилиб олиш ва лозим бўлган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади.

II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

- ҳар қандай вақтда “Ижрочи”нинг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажарилаётган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш;
- мазкур шартнома ва буюртмага мувофиқ кўрсатиладиган техник хизматларни тегишли сифатга эга бўлишини талаб қилиш.

2.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

- ўз вақтида (ПТЭ – 2000 қоидаларига) асосан “Ижрочи”га 2022 йил I чоракда ойлик иш режаларини хизмат турлари бўйича аниқ ва равшан кўрсатган ҳолда топшириш;
- фойдаланилган техник воситалар, хоналар ва ишлатилган бошқа моддий бойликлари учун ҳамда бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун ҳар ойда ўрнатилган тартибда ҳақ тўлаш;
- ажратилган техник воситалардан, хоналардан, мебель, телефон аппаратлари ва бошқа моддий бойликлардан фойдаланилаётган даврда тўла моддий жавобгарлик юклатилади, етказилган моддий зарар “Ижрочи”га амалдаги қонунчиликка биноан қопланади.

2.3. “Ижрочи”нинг ҳуқуқлари:

- кўрсатилган техник хизматлар учун мазкур шартномага мувофиқ олдиндан тўловни ҳамда тўлиқ ҳисоб-китоб қилишни талаб қилиш;
- кўрсатилган техник хизматларни қабул қилишдан асоссиз равишда бош тортган ҳолларда “Буюртмачи”дан етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

2.4. “Ижрочи”нинг мажбуриятлари:

- “Буюртмачи”нинг топшириқларини тасдиқланган режа доирасида техник воситалар ёрдамида мазкур шартномада белгиланган ишларни сифатли бажариш;
- кўрсатилган техник хизматларни Давлат, тармоқ стандартлари, (ПТЭ 2000 қоидалари) ва расмий ҳужжатлар асосида амалга ошириш;
- жорий йилнинг биринчи июлигача, мавжуд техник воситаларини, янги техникани ишга тушириш, ишлаб чиқариш участкаларини қайта тиклаш ва ҳисоб-китобини ишлаб чиқиб “Буюртмачи”га топшириш;

21
05.01.2022

- ажратилган хоналарнинг тозалигини, телефон, соат ва бошқа жиҳозларнинг доимий ишлаб туришини таъминлаш;
- ажратилган техник ускуналарни сақлаш, эксплуатация қилиш ва техник ҳолатини талаб даражасида бўлишини таъминлаш;
- техник ускуналарни ўз вақтида ва белгиланган муддатда профилактика қилиш ва ажратилган маблағ доирасида капитал таъмирлаш ишларини бажариш.

III. Шартнома баҳоси ва ҳисоб-китоблар тартиби

3.1. Шартноманинг умумий баҳоси бюджет маблағлари ҳисобидан – 333 999 940,00 (Уч юз ўттиз уч миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг тўққиз юз қирқ сўм)ни ҚҚС билан ташиқил этади.

3.2. “Ижрочи” кўрсатилган техник хизматлар харажатлари қайд қилинган ҳужжатни (ҳисоб фактура) ва ойлик ҳисоботни “Буюртмачи”га ҳар ойнинг 3-санасигача топширади.

3.3. “Буюртмачи” келишилган ойлик ҳисоботни ҳар ойнинг 10-санасигача “Ижрочи”га тасдиқлаб топширади.

3.4. “Буюртмачи” “Ижрочи”га ҳар ойнинг 3-санасигача бажариладиган техник хизматлар харажатлари учун 30 % миқдоридан олдиндан тўловни амалга оширади.

3.5. “Буюртмачи” “Ижрочи”нинг ҳужжатларига асосан кўрсатилган техник хизматлар учун қолган 70% тўловни ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 3-санасигача тўлиқ ҳисоб-китоб қилади.

IV. Томонларнинг жавобгарлиги

4.1. Томонлар ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганда амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилади.

4.2. Кўрсатиладиган техник хизматлар муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ амалга оширилмаган тақдирда “Ижрочи” “Буюртмачи”га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

4.3. Кўрсатилган техник хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун “Буюртмачи” “Ижрочи”га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

4.4. Шартноманинг шартини бузганлиги учун пеня тўлаш, шунингдек, етказилган зарарни қоплаш томонларни шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

4.5. Жарима, пеня тўлаганлигидан қатъи назар, шартнома мажбуриятларини бузган тараф иккинчи тарафга ана шу зарар оқибатида ўзи етказган зарар қисмини ҳам қоплайди.

4.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни нормаларига асосан белгиланади.

V. Форс-мажор ҳолатлари

5.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган фавкулотда ҳолатлар (сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек томонлар назорат қила олмайдиган бошқа ҳолатлар) содир бўлиши оқибатида шартномада кўрсатилган мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаса, томонлар жавобгарликдан озод этиладилар. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.02.2005 й. N 63 сон қарори).

VI. Низоларни ҳал қилиш тартиби

- 6.1. Мазкур шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар ва келишмовчиликлар томонларнинг ўзаро келишуви билан ҳал қилинади.
- 6.2. Томонларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

VII. Қўшимча шартлар

- 7.1. Томонларнинг манзили, корхона номи, ҳисоб рақами ўзгарганда ҳамда хизматлар ҳажми ўзгаришига таъсир этувчи омилар пайдо бўлганда бир томон иккинчи томонга 10 кун муддат ичида ёзма маълумот беради.
- 7.2. Мазкур шартнома 2022 йил 1 январдан 2022 йил 31 мартгача амал қилади.
- 7.3. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар фақатгина томонларнинг ваколатли шахслари томонидан амалга оширилади.
- 7.4. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, бир нусхаси “Бююртмачи”да, иккинчи нусхаси “Ижрочи”да сақланади.

Томонларнинг манзили:

“Ижрочи”


“Respublika teleradiomarkazi”
давлат муассасаси

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 69 уй
Реквизитлар:

САКБ «Алоқа» банки
х/р 20210 00060 44808 28001
МФО 00401
ИНН 206045069
ОКЭД 60200



“Бююртмачи”





2022 йил I чорак мобайлида «Respublika teleradiomarkazi» ДМ томонидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Телевидение ва радиозинтириш архив фондида кўрсатиладиган техник хизматлар буйича иш ҳажми режаси

№	Техник воситалар номи	Соат					
		январ	феврал	март	Жами 3 ойда	Тариф ҚҚС билан (сўм/соат)	I чорак буйича сумма
1	Марказий аппарат						
-	"LTO" библиотека	744,0	672,0	744,0	2160	14 373	31 045 680,00
-	Рақамли Марказий аппаратхона файл ўгириш сервери билан	744,0	672,0	744,0	2160	44 269	95 621 040,00
2	Коинот. қабул қил.						
-	"Коинот"дан қабул қилиш	744,0	672,0	744,0	2160	15 390	33 242 400,00
3	Видеомонтаж				0		
-	Digital Видеомагнитофон DNW -250,500	311,0	310,0	310,0	931	23 618	21 988 358,00
-	SP Видеомагнитофон uvw-1400,2800,2650	330,0	310,0	330,0	970	18 694	18 133 180,00
-	Видеоплеер Sony J3	200,0	180,0	200,0	580	18 424	10 685 920,00
-	Blackmagic ва Datavideo 3G/HD/Sdформатдаги сигналларни файл кўринишида ёзиш	202,0	200,0	200,0	602	11 751	7 074 102,00
4	Видеокассеталарни сифатини аниқлаш қурилмаси RT 4100 DLS	10,0	10,00	10,0	30	8 412	252 360,00
5	HP моноблок стрим потток ёзиш учун	744,0	672,0	744,0	2160	24 715	53 384 400,00
6	АСБ тезкор ёзувлар:						
-	Рестаурация 1,2,3	930,0	840,0	930,0	2700	23 175	62 572 500,00
	ЖАМИ:						333 999 940,00

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Телевидение
ва радиозинтириш архив фонди бошлиғи

М.Утепберенов

«Respublika teleradiomarkazi» ДМ
Бош директор ўринбосари

Б.Айбашев